# ХОЗИРГИ БОСХИЧДА КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ ТАРХАЛИШИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Маденбаева Г.И.,**

**Матназарова Г.С.,**

**Хамзаева Н.Т.**

Кўкрак бези саратони касаллиги минглаб одамлар ҳаётини хавф остига қўядиган хавфли касалликдир. Ҳар йили 55 мингдан зиёд аёллар ушбу даҳшатли ташхисни эшитадилар. Статистик маълумотларга кўра, бутун дунё бўйича ҳар ўнинчи аёл кўкрак бези саратони билан хасталанар экан. Бир йилда ушбу хасталик туфайли 1,5 миллиондан ортиқ аёл вафот этади.

Ўзбекистон Республикасида кўкрак бези саратони билан касалланиш кўрсаткичи 2019 йил 100 минг аҳолига нисбатан 7,96 ни, 2020 йил 8,05 ни, 2021 йил 9,04 ни, 2022 йил 9,31 ни, 2023 йили 9,21 ни ташкил этди. Динамикада касалланиш кўрсаткичи кўтарилиб бормоқда.

Энг юқори кўрсаткич 2022 – йилда аниқланган яъни 100 минг аҳолига нисбатан 9,31 ни ташкил қилган. Республикамизда кўкрак бези саратони билан касалланиш кўрсаткичларини ортиб бориши бу касалланганларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида республикамиздаги барча вилоятларида, Онкологик марказларини замон талабларига жавоб берадиган тиббий техникалар билан жиҳозланганлик даражаси йилдан-йилга таъминлариб борилиши йўлга қўйилган.

Республикамизда онкологик касалликлар орасида узоқ йиллар давомида, кўкрак бези саратони етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган ва рўйхатга олинган онкологик касалликлар турлари ичида, 10-15% фоиздан кўпроғи , кўкрак бези саратони турига тўғри келади. Касалланганларнинг умумий сонидан 14 ёшгача бўлган болалар улуши 0.02% ни, 15-17 ёшгача бўлган контингентлар улуши 0.0641% ни, 18-44 ёшгача бўлган контингентлар улуши 25.68% ни 45-64 ёшгача бўлган контингентлар улуши 56.97% ни 65 дан катталар 17.26% ни ташкил қилади.